



Нукус шаҳри

Некис қаласы

№ 34

« 29 » 01 2019 ж.й

Бўш турган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4933-сон Фармони, 2017 йил 16 июндаги “Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3067-сон Қарори, 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3939-сон Қарори ҳамда 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ва 2018 йил 25 декабрдаги 01-08/16-12/883-сонли йиғилиш баёнига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллий ҳокимликлар ва балансда сақловчи ташкилотларнинг бўш турган давлат мулки объектларини хусусийлаштириш юзасидан берган таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Худудий танлов комиссияси томонидан маъқулланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 23 февралдаги 125-сонли, 2018 йил 23 мартдаги 203-сонли ва 2018 йил 13 августдаги 503-сонли қарорларига асосан савдоларга чиқарилган давлат мулки объектларини уларни баҳоламасдан, 1 сўмга тенг кийматдаги бошланғич нархда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасига чиқариш орқали аввал белгиланган инвестициявий ва

ижтимоий мажбуриятлари қолдирилган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиладиган объектлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Бошланғич нархи 1 сўмга тенг қийматда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасига чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларини белгилаган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиладиган объектлар рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

Ҳокимлик балансида бўлган фаолият йўналиши бўйича соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият объектлари ҳисобланган мулкларни давлат-хусусий шериклик ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида тегишли хулосалар берилгандан кейин бошланғич нархи 1 сўмга тенг қийматда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасига чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларини белгилаган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиладиган объектлар рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси (З.Камалов) Нукус шаҳри ва барча туманлар ҳокимликлари билан биргаликда **10 кун** муддатда:

ушбу қарорнинг 1 иловасига киритилган давлат мулки объектларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сон Фармони талаблари асосида “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасига чиқариш чораларини кўрсин;

ушбу қарорнинг 2 ва 3-иловаларига киритилган давлат мулки объектлари бўйича инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг минимал шартларини тасдиқлаш юзасидан балансда сақловчилар билан биргаликда Худудий танлов комиссиясига таклиф киритсин;

тўлиқ хусусий мулк қилиб сотиладиган, бошланғич нархи 1 сўмга тенг қийматдаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шarti билан сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхатини босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, жумладан “Биржа” ва маҳаллий газеталарда ҳамда интернет сайтларида жойлаштирилишини таъминласин;

фаолият юритмаётган ёки қурилиши тугалланмаган давлат объектларини пухта хатловдан ўтказиш, уларни аукцион орқали сотиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларига сотилган объектларни ўз вақтида расмийлаштиришни таъминласин.

5. “Еркин Қарақалпақстан” ва “Вести Каракалпакстана” газеталари таҳририяти (К.Реймов)га ушбу қарор иловаларида келтирилган объектларнинг танлов савдоларига чиқарилиши тўғрисидаги эълонларни бепул жойлаштириш тавсия этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Содиқов), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (О.Камалов) балансда сақловчилар билан биргаликда **2 кун** муддатда мазкур қарорнинг 2 ва 3-иловаларига киритилган давлат объектларининг кадастр ҳужжатларини

расмийлаштирилишини ҳамда объектларнинг яроқлилиги тўғрисидаги қурилиш назорати инспекциясининг тегишли хулосалари берилишини таъминласин. Бунда расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Худудий танлов комиссияси 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасига чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларини белгилаган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиладиган объектлар бўйича инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг минимал шартларини тасдиқлаш масаласини комиссия мажлисида кўриб чиқсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (З.Камалов) балансда сақловчилар билан биргаликда:

давлат кўчмас мулк объектлари учун хусусийлаштириш комиссияси ишининг умумий муддати у ташкил этилган пайтдан бошлаб **йигирма кундан** ошмаслиги таъминлансин;

давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаларини тузиш савдо натижалари (музокаралари) бўйича баённома имзолангандан сўнг **ўн кундан** ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилиши таъминлансин;

балансда сақловчи сотилган давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаси харидор томонидан тақдим этилган кундан бошлаб **беш кун** ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини ва сотилган давлат кўчмас мулк объектнинг харидорга топширилишини таъминласин;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини берганлик учун давлат божи олинмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), Маданият вазирлиги (Қ.Турдиев), Халқ таълими вазирлиги (А.Аяпов) **2 кун** муддатда ушбу қарорнинг 3-иловасидаги бугунги кунда ҳокимлик балансида бўлган фаолият йўналиши бўйича соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият объектлари ҳисобланган мулкларни давлат-хусусий шериклик ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида тегишли хулосалар берилишини таъминласин.

10. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари:

Ушбу қарорнинг 1, 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган объектларни хусусийлаштирилиб, янги мулкдорларга берилгунга қадар уларнинг дахлсиз ва бут ҳолатда сақланишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (А.Ибрагимов), Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиков), шаҳар ва барча туманлар ҳокимларининг инвестиция, инновация, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари савдоларга чиқарилаётган бўш турган давлат мулки объектларига салоҳиятли инвесторларни жалб этиш чоралари кўрилиши таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (А.Ибрагимов) тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзо олинишини ва ўтказиладиган савдоларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б.Хабибуллаев зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**



Қ.Сариев

Олдин қабул қилинган ҳукуматлик қарорларга мувофиқ сотилиши белгиланган, баҳоламасдан 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда "E-URO AUCTION" (e-auction.uz) электрон савдо майдончасида, аввал белгиланган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлари сақланган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиладиган объектлар

Р Ў Й Х А Т И

№	Объект номи	Манзили	Балансда сақловчи	Юқори турувчи орган	Инвестиция киритиш ҳажми		
					Киритилган инвестициянинг энг кам миқдори (млн.сум)	Инвестициянинг киритилиш муддати (йил)	Яратилган янги иш ўринлари
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Маъмурий ва оғборхона бинолари	Қўнғирот тумани, "Алмазар" МФЙ, С.Ермагабетов кўчаси	Қўнғирот тумани ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши	500,0	2	8
2	Маъмурий ва оғборхона бинолари	Қўнғирот тумани, "Алмазар" МФЙ, С.Ермагабетов кўчаси	Қўнғирот тумани ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши	500,0	2	8
3	Аввал "Ургенчтрансгаз" корхонасига тегишли бўлган оғборхона бино ва иншоотлари	Қўнғирот тумани, С.Ермагабетов кўчаси	Қўнғирот тумани ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши	300,0	2	4

**Баҳоламасдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда “E-JRO AUCTION” (e-auction.uz) электрон савдо майдончасида
 инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлари билан сотилиши белгиланган бўш турган,
 фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари
 Р Ў Й Х А Т И**

№	Объект номи	Манзили	Майдони (аниқлик киритиш мумкин)		Балансда сасловчи	Юқори турувчи орган
			Умумий (га)	Қурилиш ости (м2)		
1	2	3	4	5	6	7
1	Назорат пункти	Тахياتош тумани, "Найманкол" ОФЙ	0,048	481,14	Тахياتош туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
2	Механика цех	Тахياتош тумани, "Жайхун" МФЙ	1,84	451,36	Тахياتош туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
3	Мазмурий бино	Тахياتош тумани, "Жайхун" МФЙ, Қорақалпоғистон кўчаси р/у	0,164	385,28	Тахياتош туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
4	Дуродгорлик устaxonаси ва дуродгорлик цехи	Тахياتош тумани, "Жайхун" МФЙ, Қорақалпоғистон кўчаси р/у	0,419	919,2	Тахياتош туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
5	Дон саклаш омборхона биноси	Қўнғирот тумани, "Суецли" ОФЙ	0,18	190,5	Қўнғирот тумани ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
6	1-сонли дўкон биноси	Чимбой тумани, "Қоксу" ОФЙ	0,034	342,0	Чимбой тумани ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
7	1-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Дўстлик" МФЙ	0,043	431	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
8	2-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Дўстлик" МФЙ	0,1	146	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши

№	Объект номи	Манзили	Майдони (аниқлик киритиш мумкин)		Балансда сакловчи	Юқори турувчи орган
			Умумий (га)	Қурилиш ости (м2)		
1	2	3	4	5	6	7
9	3-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Маданият" МФЙ	0,2	65	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
10	4-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Маданият" МФЙ	0,2	173	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
11	5-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Навруз" МФЙ	0,1	64	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
12	6-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Қосжап" МФЙ	0,0399	79	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
13	7-сонли қозонхона биноси	Қонликўл тумани, "Қосжап" МФЙ	0,1	79	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
14	Омборхона биноси	Қонликўл тумани, "Арзымбеткум" ОФЙ	0,1	720	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
15	Савдо дукони	Нукус шаҳри, 23 кичик район	0,00361	36,08	Нукус шаҳар ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
16	Автомобиль қисмлари дукони ва устахона	Нукус шаҳри, "Амударья" МФЙ, Хожели Гузари №84/1	0,0181	181	Нукус шаҳар ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
17	Сув тақсимлаш иншооти (НРС-13)	Амударё тумани, Ўрта қала ОФЙ	0,785	209,6	Амударё туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
18	Манғит шаҳар сув тарқатиш иншооти (УРВ)	Амударё тумани, Ўрта қала ОФЙ	3,39	1090	Амударё туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
19	Сув тақсимлаш иншооти (НРС-15)	Амударё тумани, Ўрта қала ОФЙ	0,75	296	Амударё туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
20	Сув тақсимлаш иншооти	Амударё тумани, Дўрман ОФЙ	0,68	100	Амударё туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
21	Сув тақсимлаш иншооти (НРС-36 бўзчи)	Амударё тумани, Оқ-олтин ОФЙ	0,74	287,4	Амударё туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
22	Сув тақсимлаш иншооти	Амударё тумани, Назархан ОФЙ	0,625	286,7	Амударё туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши

Ҳокимлик балансида бўлган, фаолият йўналиши бўйича соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият объектлари ҳисобланган ва давлат-ҳусусий шерикчилик ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида тегишли хулосалар берилгандан кейин бошланғич нархи 1 сўмга тенг қийматда “E-IRO AUCTION” электрон савдо майдончасига чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларини белгилаган холда ўрнатилган тартибда сотиладиган объектлар

Р Ў Й Х А Т И

№	Объект номи	Манзили	Майдони (аниқлик киритиш мумкин)		Балансда сакловчи	Юқори турувчи орган
			Умумий (га)	Қурилиш ости (м2)		
1	2	3	4	5	6	7
1	Венерология ва тери касалликлари диспансери биноси	Қўнғирот тумани, "Орнек" ОФЙ	0,064	639,43	Қўнғирот тумани ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
2	5-сонли эски мактаб биноси	Қонликўл тумани, "Бескопир" МФЙ	0,5	77	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
3	Эски юқумли касалликлар касалхонаси бино ва иншоотлари	Қонликўл тумани, "Навроз" МФЙ	0,1	500	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
4	ФАП биноси	Қонликўл тумани, "Қосжап" МФЙ	0,0099	44	Қонликўл туман ҳокимлиги	ҚР Вазирлар Кенгаши
5	Қишги клуб биноси	Амударё тумани, "Дурман" ОФЙ	0,26	436,9	Амударё тумани Маданият бўлими	ҚР Маданият вазирилиги